

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 2 ноябрь, № 215 (5635) Жума

## Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Бухоро

*Бозордаги талаб ва эҳтиёжни чуқур ўрганган “Оникс техналадка сервис” масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари қурилишбоп материал ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*

## Бозорда ўз ўрнини топди

Натижада Когон туманидаги мазкур корхонада йилига ўн минг тонна томёпқич тайёрлаш қувватига эга цех барпо этилди. Бизнес лойиҳа рўёби учун 100 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди. Жамоа қисқа муддатда қурилиш бозорида ўз ўрнини топиб, буюртмачиларга эллик миллион сўмликдан зиёд тайёр маҳсулот етказиб берди.

Айтиш жоизки, туманда шу каби корхоналар саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 72 миллиард 400 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 173 фоизга кўпдир.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Жиззах

*Қадоқланган ва консерваланган маҳсулотни узоқ муддат сақлаш ҳамда исталган пайтда истеъмол қилиш мумкин.*

## Замин неъматлари – бежирим қадоқларда

Шу боис у доимо харидоргир. Буни яхши англаган ғаллаороллик тадбиркор Ботир Жаъфаров қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган “Гулистон Сангзор томат” хусусий корхонасини ишга туширди. Қиймати 400 миллион сўмга тенг мазкур лойиҳани амалга ошириш учун тадбиркор ўз маблағидан ташқари 200 миллион сўмлик банк сармоясидан ҳам фойдаланди.

— Мева-сабзавотчилик туман иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади, — дейди корхона раҳбари Б. Жаъфаров. — Уни қайта ишлашдан янада кўпроқ даромад олиш мумкин. Шуни ҳисобга олиб, анчадан буён корхона очишни ўйлаб юрардим. Жорий йилда “Ўзэкспомарказ”да ўтказилган кўргазмадаги иштироким орзуимнинг ушалишига сабаб бўлди. Хитойлик ишбилармонлар билан шартнома тузиб, ушбу лойиҳани амалга оширдик.

30 нафардан кўпроқ қишлоқ ёшлари меҳнат қилаётган корхонада кунига 30 тонна мева-сабзавот қайта ишланиб, қадоқланмоқда ҳамда томат пастаси, консерва, шарбат ва компот каби ўнлаб турдаги тайёр маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилаяпти. Эътиборлиси, янги корхона маҳсулотларига хорижликлар ҳам қизиқиш билдириб, 200 минг АҚШ долларилик шартнома имзолашди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хоразм

*Урганч туманидаги Чоткўпир қишлоғида жойлашган “Хоразм озиқ-овқат моллари” масъулияти чекланган жамиятида инновацион технологиялар асосида гуруч увоғини қайта ишлаб, ундан гуруч тайёрлаш ўзлаштирилди.*

## Инновацион лойиҳа натижаси

Бу жараёнда маҳсулот витаминлар билан янада бойитилади. Эътиборлиси, ушбу линияда бир пайтнинг ўзида макарон ҳам ишлаб чиқариш мумкин. 120 минг АҚШ долларилик маблағ эвазига амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли йилига 1000 тоннагача гуруч увоғини қайта ишлаш имконияти юзага келди.

Тез орада бу ерда қадоқланган гуруч бўтқаси ҳам тайёрлаш йўлга қўйилади.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



### Интилиш

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга устуворлик берилаётгани туфайли ўтган қисқа давр ичида бу соҳа иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланди. Зеро, Президентимиз “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаганидек, кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатурасини мунтазам янгилаб бориш ва рақобатдошлигини таъминлаш имконини беради.*

## Сифатли ва рақобатбардош

**Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.**

Буни сурхондарёлик тадбиркорлар фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни пайтда ушбу вилоятда 25 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган бўлиб, улар ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашда етакчи кучга айланмоқда. Чунончи, 2012 йилнинг 6 ойи давомида соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 61,2 фоизни ташкил этди.

Қувонарлиси, ҳар йили кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилиб, ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида уларга ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун молия муассасалари томонидан 28,7 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Натижада 703 та иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-бетда).



### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига

*Халқимиз яна бир улуғ байрам — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигини кенг нишонлашга катта ҳозирлик кўрмоқда. Чунки ўзини шу давлат ва миллатга дахлдор ҳисоблаган инсон борки, Асосий Қонунимизни ўз ҳаётининг ажралмас ва муҳим қисми, деб билади.*

*Конституциямиз Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ўтган йиллар давомида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида амалга оширилаётган туб ўзгаришларда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда.*

## ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

*Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирининг суҳбати мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эл-юртимиз тараққиёти ва фаровонлигини янада юксалтиришда Асосий Қонунимизнинг тутган ўрни ва аҳамияти, бу жараёнда адлия органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.*

— Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз иродаси, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида акс эттирган Асосий Қонунимиздир, — дейди Н. Йўлдошев. — Халқимиз кўп асрлик тарихи давомида ўз миллий конституциявий мактабини яратган. Бу борада Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарини эслаш ўринли. Асосий Қонунимиз муқаддимасида ҳам Ўзбекистон халқи ўз Конституциясини қабул қилишда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий-ҳуқуқий тажрибасига таяниши, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаши, демократия ҳамда ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиши алоҳида таъкидланган.

Мустақилликнинг илк йилларида — мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида туб бурилиш жараёни кечаётган мураккаб шароитда барча муносабатларни қамраб олган, халқона тил ва қарашларга эга бундай пишиқ-пухта Конституцияни яратиш ва қабул қилиш осон иш эмас эди. Уни яратишда бой миллий ҳуқуқий ва мерос анъаналардан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этилган қоидаларига қатъий амал қилинди. Яна бир муҳим жиҳати — Конституция матнини тайёрлашда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаси ҳам атрофлича ўрганилди.

**— Конституциямизнинг халқимиз ҳаёти, мамлакатимиз тараққиёти учун энг муҳим янгилиги қайси жиҳатларда ўз ифодасини топган?**

— Ўзбекистон Конституцияси туб моҳияти, фалсафаси ва мақсадига кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари давлат манфаатларидан устун, деган ҳаётбахш умуминсоний ғояни ўзида мужассам этган. Шу асосда унда “фуқаро — жамият — давлат” муносабатларининг оқилона ҳуқуқий ечими кўрсатилган. Буларнинг барчаси собиқ тузум давридаги “давлатга ва ягона мафкурага қарамлик”, “барча нарса давлатники”, “давлат манфаати — халқ манфаати” деган қарашлардан мутлақо фарқли, янги демократик конституциявий тузум ўрнатилгани ва кучли адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётганидан далолатдир.

Конституциямиз асосини давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган, тараққиётнинг машҳур беш тамойилини ўз ичига олган “Ўзбек модели” ташкил этади. Уларга кўра, мамлакатимизда иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва қонун устуворлиги таъминланди, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда, барча ислоҳотлар босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Соғлом турмуш тарзи тарғиботи

*Сиҳат-саломатлик — ҳар биримизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Шу боис юртимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда.*

### Тадбир

Мамлакатимизда жорий йилнинг 1 ноябридан 1 декабрь санасига қадар “Қандли диабетга қарши кураш ва ундан аҳолини муҳофаза қилиш ойлиги” эълон қилинганлиги ҳам ушбу йўналишдаги амалий чора-тадбирлар сирасидандир. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Эндокринологлар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анъанавий тадбир, айтиш жоизки, қандли диабет билан боғлиқ оғир асоратларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Бинобарин, ойлик доирасида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар, экспертлар иштирокидаги учрашув ва мулоқотлар, халқаро илмий-амалий анжуманлар, бепул тиббий текширув ҳамда спорт беллашувлари мазкур хасталик профилактикаси билан боғлиқ энг самарадор усуллардан биридир.

Бугунги кунда Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭИАТМ) ва унинг жойлардаги диспансерлари замонавий ташхис ҳамда даволаш ускуналари билан жиҳозланиб, ушбу масканларда малакали мутахассислар фаолият юритиши таъминланмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## Наманганда саноат мажмуаси

*Наманган шаҳрида тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётган йирик саноат корхоналарининг бўш турган иншоотларида тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш бўйича янгиликка қўл урилди.*

### Ташаббус

Хусусан, “Муштарий” қўшма корхонаси негизида 3 миллиард 100 миллион сўмлик инвестиция эвазига саноат мажмуаси барпо этилди. Пировардида бу ерда 32 та тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, 455 та иш ўрни яратилди. Ҳозир мажмуада тикувчилик, тўқимачилик, халқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда сервис шохобчалари ишлаб турибди.

— Мажмуанинг ташкил этилиши бизнесимнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлди, — дейди хусусий тадбиркор Исроил Исмоилов. — 70 миллион сўмлик маблағ эвазига костюм-шим тикиш цехини очдим. 20 кишилик меҳнат жамоамиз томонидан ойига минг донадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз.

Эндиликда мутасаддилар “Нотўқимачи”, “Наманган агромаш”, “Натурал инвест”, “Хаин текс” сингари корхоналарнинг бўш турган иншоотларида ҳам шу сингари саноат мажмуалари фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракатида.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Фуқаролар сайлов эркинликлари кафолати

*Парламент қуйи палатасида “Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилди.*

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси концепцияси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг кейинги икки ой давомида у турли шакл ва воситаларда умумхалқ муҳокамасидан ўтди.

Бунда, аввало, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида турли чиқишлар ташкил қилиниб, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти кенг очиб берилди. Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан жойларда тадбирлар ташкил этилиб, уларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар вакиллари, олий таълим муассасалари фаол қатнашди.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасининг асосий принциплари шу йилнинг сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда сайлов тизимини демократлаштириш масалалари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзуидаги халқаро давра суҳбатида муҳокама қилинди, айни чоғда мазкур ҳужжат муҳокамасига бағишланиб, Берлин ва Варшава шаҳарларида нуфузли экспертлар билан учрашувлар ташкил этилди.

Эътиборли жиҳати, қонун лойиҳаси матни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайтларида жойлаштирилгани унинг жамоатчилик томонидан танишиб чиқиш имкониятини кенгайтирди. Тўрт минг нафардан зиёд интернет фойдаланувчилари қонун лойиҳаси билан танишиб чиққани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

## Кучли ижтимоий ҳимоя

**суд тизими ходимлари масъулиятини янада оширишга хизмат қилади**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази томонидан судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш масаласига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.*

### Анжуман

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий ва Олий хўжалик судлари, Бош прокуратура ҳамда Адлия вазирлиги ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда. Аввало, мустақиллик йилларида жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, судлар ижро этувчи ҳокимият органлари таъсиридан чиқарилди. Айни чоғда умумий юрисдикция судлари фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари бўйича судларга ихтисослаштирилди. Бу эса уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш имконини берди. Буни 2001 йилда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан жиноятлар таснифи ўзгартирилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## Қурилиш ишлари кўлами кенгаймоқда

Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида республикамизда қурилиш ишлари ҳажми

**9,8** фоизга ўсди.

***Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти юксалиб, шаҳару қишлоқларда замонавий иншоотлар, йирик саноат мажмуалари, кўркам тураржойлар, равон йўллар, умуман, аҳолининг турмуш фаровонлигига хизмат қиладиган ижтимоий соҳа объектларини қуриш ишлари кўлами кенгайтирилаётгани, пудрат ташкилотларининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжи узлуксиз таъминланаётгани туфайли ана шундай ижобий натижа қўлга киритилди.***

## Молия муассасаларида

*“Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки республикамиздаги энг йирик ва универсал молия муассасаларидан биридир. Бугунги кунда унинг 183 та филиали, 301 минибанки, 251 махсус кассаси, 188 та халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш ҳамда 254 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 200 мингдан зиёд юридик ва 2,5 миллионга яқин жисмоний шахсларга, шу жумладан, 136 мингта омонатчига банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.*

*Айтиш жоизки, “Агробанк” умумий капитали ҳажми, филиаллари сони ҳамда активлари миқдорига кўра, мамлакатимиздаги учта энг йирик банклардан бири ҳисобланади. Мана, бир неча йилдирки, мазкур молия муассасаси “Мудис” ва “Фитч Рейтингс” халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтинг даражаларини олишга муваффақ бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 15 октябрида “Фитч Рейтингс” халқаро рейтинг агентлиги “Агробанк”нинг “Барқарор” рейтинг даражасини яна бир бор тасдиқлади.*

# «Агробанк»: Барқарор фаолият ва иқтисодий самарадорлик

### Қулай, жозибадор ва сердаромад

“Агробанк” жамоаси томонидан Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мазкур ҳужжатга мувофиқ, молия муассасасининг капиталлашув даражасини ошириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб қилишни кенгайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида банкнинг умумий капитали 2012 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 295,9 млрд. сўмни, устав капитали 167,4 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидагига нисбатан мос равишда 125 фоиз ҳамда 133 фоиз ўсишга эришилди.

Бинобарин, “Агробанк” томонидан чиқарилаётган акцияларнинг аҳоли ва юридик шахслар ўртасида жойлаштирилиши, аниқроғи, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг банк устав капиталига қўшаётган улушлари эвазига унинг устав капитали доимий равишда ортиб бораётир. Бугунги кунда банк акциядорлари сони 90 мингдан зиёдни ташкил қилиб, шундан 76 мингтаси жисмоний, 14 мингдан ортиғи юридик шахслардан иборат.

Шунингдек, муомалага чиқарилган депозит сертификатларини жойлаштириш ҳисобига жалб этилган маблағлар миқдори 87 млрд. сўмдан ошди. Банк депозит базасини кўпайтириш, хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишга жиддий эътибор қаратилиши натижасида 2009 — 2012 йиллар давомида аҳоли омонатлари қарийб 3,2 мартага ёки 403 млрд. сўмга кўпайди. Шу билан бирга, банк депозит базасида юридик шахслар улуши 52 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Натижада банк ресурс базаси 2 трлн. 360 млрд. сўмга етиб, унинг ҳажми 129 фоизга ўсди.

Албатта, ушбу рақамлар аҳолининг банкка бўлган ишончи ва молия муассасасининг иқтисодий ислоҳотлардаги аҳамияти тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

— “Агробанк”нинг Қораўзак филиали мижозиман, — дейди Роза Алиева. — Банкка қўйган омонатим оиламиз даромади ошишига ҳамда жамиятимиз, иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилаётганидан хурсандман. Уларга оймаой ҳисобланадиган фоизларни ўз вақтида олаяпман.

— Бир неча йилдан буён ушбу банк хизматларидан фойдаланиб келаман, — дейди Учтепа туманида истиқомат қилувчи Азиза Маннонова. — Бўш пул маблағимдан самарали фойдаланиш мақсадида уни “Агробанк”нинг Учтепа тумани филиалига омонатга қўйгандим. Шу кунга қадар ушбу маблағим менга катта даромад келтирди.

— Мен ҳам орттирган маблағимни “Агробанк”нинг муддатли омонатларида сақлайман, — дейди банкнинг яна бир мижози, пойтахтлик Жўра Усмонов. — Мазкур банк ҳар доим янги, қулай, жозибадор омонат турларини жорий этади. Фоизлари ҳам юқори. Яна бир эътиборли жиҳати, омонатдан олаётган даромадимиз солиққа тортилмайди.

Дарвоқе, бугунги кунда замонавий тўлов воситасига айланиб бораётган “Duet” ва “On-line” тизимида ишловчи пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш борасида ҳам банк томонидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, шу кунгача ушбу молия муассасаси томонидан ўрнатилган терминаллар сони 19,5 мингтага, тарқатилган пластик карточкалар сони эса 1 миллион 855 мингтага етди. Қувонарлиси, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 80 минг 551 тага кўпдир. Ўз навбатида, пластик карточкалар орқали жалб қилинган маблағлар ҳажми бир йилда 136 фоизга, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали пул айланмалари миқдори эса 114 фоизга ўсди. Ҳозир нафақат шаҳар ва туманлар марказлари, балки чекка ҳамда олис қишлоқларда ҳам терминаллар орқали савдо қилувчи дўконлар, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари тобора кўпайиб бормоқда.

### Аниқ мақсадли сармоялар

Банк ресурс ва депозит базасини мунтазам ошириш орқали банкнинг иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятлари янада кенгайди.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида аграр тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш, саноатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, фермер хўжаликларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишларга банк томонидан 1 трлн. 622 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Шундан 56 фоизи қишлоқ хўжалигига, 25 фоизи саноатга, 8 фоизи моддий-техник таъминот корхоналари ҳамда 10 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг бошқа жабҳаларига йўналтирилиб, пировардида 30 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Эътиборлиси, ҳисобот даврида банк кредит қўйилмалари миқдори ўтган йилдагига нисбатан 289 млрд. сўмга ёки 120 фоизга ошган бўлса, ажратилган кредитларнинг 74 фоизидан кўпроғи узоқ муддатли лойиҳаларга йўналтирилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида белгиланган вазифалар доирасида 17 та “Давсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонасига молиявий маблағлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик техникалари, агрегатлар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга 37 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди. Бунинг ҳисобига фермер хўжаликларига замонавий дон ўриш комбайнлари, ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда турли қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилди.

### Кичик бизнесга катта рағбат

Бугун кичик бизнес иқтисодиётимизнинг муҳим таянчига айланган. Шу боис соҳа вакилларига бевосита Президентимиз раҳнамолигида қатор имтиёзлар берилмоқда. Ўз навбатида, молия муассасалари ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётир.

Хусусан, “Агробанк” томонидан жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнес субъектларига 297,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Мазкур жараёнда, асосан, чекка ҳудудларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш масалалари алоҳида ҳисобга олинди.

— Биз, тадбиркорларга яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳалол меҳнат қилиб, юқори даромад олишимизда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Сайхунобод туманидаги “Сайхун савдо Файз” хусусий корхонаси раҳбари Камолжон Сарибоев. — Бир мисол: салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида “Агробанк”нинг Сайхунобод филиалига мурожаат қилгандик. Бизнес лойиҳамиз қўллаб-қувватланиб, 180 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бунинг эвазига 16 та қўшимча иш ўрни яратдик. Ҳозир корхонамизда йилига 546 миллион сўмлик салқин ичимликлар тайёрланмоқда.

— Юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди “Хонқа чевар” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Хушнуд Бекметов. — Биз ҳам ана шу имкониятдан фойдаланиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳамизни “Агробанк”нинг Хонқа филиалига тақдим этган эдик. Бизнес режамиз муваффақиятли деб топилиб, банкнинг 247,5 млн. сўмлик кредитига эга бўлдик. Бунинг ҳисобига 15 кишини иш билан таъминладик.

Банк жамоаси “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ушбу мақсадлар учун молия муассасаси томонидан 5,5 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил этишига 3,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилгани бунинг яққол тасдиғидир. Шунингдек, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида жорий йилнинг 9 ойида 34,8 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 107 фоиз кўпдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, банк томонидан жойларда коллеж битирувчилари иштирокида ўқув семинарлари ҳам ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда йигит-қизларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилиши баробарида, тадбиркорликни ташкил этиш юзасидан 48 та йўналишда намунавий бизнес-режа тақдим этилди. Шу асосда тайёрланган коллеж ўқувчиларининг бизнес лойиҳалари ўртасида танлов ҳам ўтказилиб, улар орасида энг яхши деб топилганларига имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқи берилди.

### Модернизация ва юксалиш

Банк томонидан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратиш мақсадида жойлардаги иқтисодий ночор, камқувватли ҳамда фаолиятсиз корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. 2012 йилнинг 9 ойи давомида банк томонидан 207 та ана шундай корхонага ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш учун 65 млрд. сўм миқдорида сармоя ажратилди. Бунинг ҳисобига уларда 3197 та иш ўрни ташкил қилиниб, йил охирига қадар 93,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга замин яратилди. Шунингдек, бир қатор иқтисодий ночор корхоналар банк балансига олиниб, уларнинг ишлаб чиқариш базасини реконструкция ҳамда модернизация қилиш учун инвестициялар киритилди. Корхоналарда рақобатбардош ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида хориждан замонавий технологиялар келтирилди.

Натижада йиллик лойиҳа қуввати 7,8 минг тонна озиқ-овқат ва 905 тонна тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, 55 млн. дц. кв. терини қайта ишловчи ҳамда қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатувчи янги корхоналар барпо қилиниб, яратилган янги иш ўринлари туфайли 610 нафардан зиёд маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланди.

Бугунги кунда ишлаб чиқилган бизнес режа кўрсаткичларига асосан фаолияти тикланган корхоналарда 29,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, шундан 9,9 млн. АҚШ доллари миқдоридагиси экспортга йўналтирилди.

### Фаровонлик манбаи

Аҳолини ўзимизда етиштирилган арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 9 ойида 9,2 мингтадан ортиқ лойиҳалар учун 105,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Мазкур маблағларнинг 30 фоизи чорвачилик, 13 фоизи паррандачилик, 4 фоизи балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш сингари мақсадларга йўналтирилди.

Банк томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлашга ихтисослаштирилган лойиҳалар учун ажратилган кредитлар 25,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш бўйича манзилли дастурларга асосан, 94 та ёпиқ совутқичли сиғимлар қуриш учун 17,7 млрд. сўм ажратилди ва 25,9 минг тонналик сиғимга эга йирик музлаткичлар ишга туширилди.

Ҳудудларда интенсив боғлар ва узумзорларни ташкил этишга 11,6 млрд. сўм, иссиқхоналарни ривожлантиришга 10,8 млрд. сўм ҳамда жорий йилда аҳолининг полиз ва сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун 7,6 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилди.

Жорий йилда аҳолига 3 млн. 668 мингта сабзавот ва мевали дарахтлар кўчатлари, 19,8 тонна сабзавот ҳамда полиз экинлари уруғлари, 78 мингта иш анжомлари етказиб берилди.

Буларнинг бари, пировардида нафақат аграр тармоқ ривожига хизмат қилаётгани, балки мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқараётгани билан аҳамиятлидир.

**Д. МУРОДОВ.**

AGROBANK

FitchRatings

«Fitch Ratings» nufuzli xalqaro reyting agentligi «Agrobank» ochiq aksiyadorlik tijorat bankining reyting darajasini

«BARQAROR»

deb baholadi.

«Agrobank» ochiq aksiyadorlik tijorat banki,
100096, Toshkent shahri, Muqimiy ko‘chasi, 43-uy.
Tel.: (8-371) 120-88-33, 150-53-95.

www.agrobank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan.

1830R/1253

# Соғлом турмуш тарзи тарғиботи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шифо масканлари қошида ташкил қилинган “Диабет мактаб”ларида эса беморларнинг хасталикка қарши курашиш борасидаги билим ва кўникмалари мунтазам бойитиб борилаяпти.

— Мутахассисларимизнинг аксарияти хориж давлатларидаги етакчи клиникаларда малака ошириб, чет эллик ҳамкасблари билан доимий тажриба алмашишмоқда, — дейди РИЭИАТМ директори Саид Исмоилов. — Бугунги кунда марказимизда эндокрин хирургия, гемодиализ, диабетик нефропатия, нейроэндокринология, болалар эндокрин хасталиклари, оёқ тўпиғи диабети каби бўлимлар мавжуд бўлиб, уларда касалликка аниқ ташхис қўйиш ва даволаш учун барча имкониятлар муҳайё қилинган.

Экспертларнинг таъкидлашича, ортиқча вазн, камҳаракатлилик ва нотўғри овқатланиш қандли диабетга чалинишнинг асосий сабабларидан саналади. Шу боис бу гал ҳам “Диабет ойлиги” тадбирларига минглаб юртдошларимиз жалб этилдилар. Зеро, кенг жамоатчиликнинг тиббий билим ҳамда дунёқарашини ошириш мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсаддир. Ойлик давомида маҳаллалар ва ўқув масканларида тажрибали эндокринолог шифокорлар иштирокида давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, ёшлар ўртасида кўрик-танлов ҳамда марафонлар ташкиллаштирилиб, турли концерт дастурлари намойиш қилинади. Бундан ташқари, 14 ноябрь — Халқаро диабетга қарши кураш куни муносабати билан РИЭИАТМ ҳамда унинг жойлардаги диспансерларида “Очиқ эшиклар куни” бўлиб ўтади. Ушбу тадбирларда шифо муассасасига мурожаат этганлар бепул тиббий текширувдан ўтиб, шифокор тавсиясини олиш имконига эга бўладилар.

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.

Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун
(8-371) 241-41-06
телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.

*Иш вақти – ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача.*

Корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй.

1806R/1187

СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

836R/566

«Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

2012 йил 3 декабрь куни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир ЖИБ судининг ижро этиш хатига асосан, Тахтакўпир тумани СИБ томонидан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «ГБА НЕКСИЯ-150 DGLE1.6L СНГ» русумли, давлат рақами 95В473ВА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 33 250 000 сўм.***

Мазкур автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, автотранспортни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 18 декабрь куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 4-қават, 412-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, СТИР: 302083379, 20208000904932168010 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 412-хона.**
**Телефон: (8-361) 222-11-73.**

*Гувоҳнома № 004059*

1825R/870

ТАТУ қошидаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази:

— мобиль телефонлар ва қурилмалар учун JAVA дастурлари кўринишидаги турли ахборот-маълумотнома навигаторларини яратади;
— турли даражадаги компьютер дастурлари ва ахборот тизимларини ишлаб чиқаради ва жорий қилади.

Телефонлар:
(8-371) 262-86-21 (иш),
(+99893) 557-92-32 (уяли).
E-mail: softcenter@tuit.uz

1827A/1241

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

03R/97

## ОБ-ҲАВО

(2 ноябрь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +5 +10 | +17 +22 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +10 +15 | +20 +25 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +7 +12 | +20 +25 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +10 +15 | +20 +25 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +7 +12 | +20 +25 |
| Тошкент шаҳрида | +10 +12 | +20 +22 |



*Андижонликлар — бир ишга бел боғласа, астойдил, бутун борлиғи билан киришадиган, кўзлаган ниятига эришмагунча тиним билмайдиган халқ.*

**Ислом КАРИМОВ**

**Гўзал Фарғона водийсини олтин узукка қиёсласак, ҳеч шубҳасиз, Андижон ана шу узукнинг бебаҳо гавҳаридир. Истиқлол йилларида ушбу вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Бу ерда қайноқ ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида — саноатда ҳам, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ҳам, қишлоқ хўжалиги, қурилиш-ободончилик борасида ҳам кўпчилик ҳавас қилса, ўрганса арзийдиган ўзига хос мактаб яратилди.**



**Бугунги саҳифамизда АНДИЖОН вилояти ва унинг меҳнаткаш, фидойи, тиниб-тинчимас одамлари ҳақида ҳикоя қиламиз.**

# Водийларни яёв кезганда...

## Саховат

*Юртимизда саховатпеша инсонлар кўп. Уларнинг бири кўчат экиб боғ яратса, яна бири ариқ қазиб сув келтиради, бошқаси иморат қуради. Шаҳрихонлик тадбиркор Мишариф ота Жўраев — ана шундай кишилардан бири. У ўз қишлоғи болалари учун мактаб қуриб берди. Бориб кўрдик. Синф хоналари кенг, ёруғ, ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган замонавий билим даргоҳи.*

## Эзгуликдан кўнгиллар обод

— Маҳалламиз болалари етти километр олисдаги мактабга қатнашар, бориб-келишга кўп вақтларини йўқотишар, қиш-қировли кунларда, айниқса, қийналишар эди, — дейди Мишариф ота. — Шуни ҳисобга олиб, шахсий жамғармамиздан ана шу мактаб биносини тикладик. Ота-оналар ҳам, мактаб жамоаси ҳам бу ишимиздан хурсанд. Болаларни айтмайсизми?! Уларнинг қувонганларини кўриб, бор чарчоғимиз чиқиб кетди-ёв. Ахир биздан бу дунёда қилган эзгу ишларимиз қолади-да...

Андижон туманидаги "Мустақиллик Анд" кўп тармоқли фирмаси раҳбари Ҳабибулло Махсумов, Шаҳрихондаги "Ривож" фирмаси бошлиғи Комилжон Отахонов ҳам Мишариф отага ўхшаб ўз ҳамқишлоқлари фарзандлари учун мактаб қуриб беришди.

Пахтаободлик Бурҳон ота Жалиловнинг ҳамқишлоқларига кўрсатган ҳиммати, меҳр-оқибати, айниқса, таҳсинга лойиқ. У маҳалласидаги кам таъминланган саккизта оилани ўз оталиғига олган. 31-Меҳрибонлик уйига бир миллион сўм маблағни хайрия қилган.

Шаҳрихонлик яна бир тадбиркор — Дилмуроджон Саматов ўз ҳисобидан 120 нафар кичкинтойга мўлжалланган боғча, 216 ўринли мактаб бинолари қуриш ҳаракатида юрганини айтиб қолди.

— Сир бўлмаса, сизни бундай катта, хайрли ишга нима ундади? — сўраймиз Дилмуроджондан.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак", деган сўзлари туртки берди,— дейди у. — Яна бизга тадбиркор бўлиш бахтини, шунчалик бой-бадавлат яшаш имконини шу юрт, Мустақиллик берди. Биз ҳам юрт учун, Мустақиллик учун, она-Ватанимиз равнақи йўлида нимадир қилишимиз керак-да.

Ёш тадбиркорнинг бу жавоби бизга кўп маъқул келиб, уни ёндафтаримизга ёзиб қўйдик.

**Ғолибжон АБДУЛЛАЕВ.**



**Анисбек Йигиталиев Олтинкўл туманининг Мадиёрчек қишлоғида яшайди. Кўп йиллар мобайнида шифокорлик қилган бу ажойиб инсонни ҳамқишлоқлари миришкор боғбон сифатида ҳам яхши билишади. Ҳовлиси тўла анорзор.**

**— Анор — жаннат меваси, юз минг дардга даво,— дейди у бизни анорзорига бошларкан.**

**Раста-раста туплар мевасини кўтаролмай ётибди. Ҳар бири косадек келадиган қирмизи тусдаги анорлар куз қуёшида товланади, ял-ял ёнади.**

**Ҳамроҳимиз анор таърифида давом этади:**

**— Жигарнинг мустаҳкам қалқони бу. Шарбати — камқонликка малҳам. Мен сизга айтсам, Ўзбекистонимиз — жаннатмонанд диёр. Боғларимизда етилган, бири-биридан хуштаъм ва шифобахш мевалар дунёнинг ҳеч бир мамлакатида йўқ. Бўлса ҳам, бизникичалик эмас. Бу меваларнинг ҳар бири шифобахш. Тўйиб-тўйиб ейиш керак. Айниқса, анорни...**

## Боғлар таровати

— Ҳосилни ҳали ҳам узмабсизми? — қизиқиб сўраймиз.

— Анор куз офтобига қанчалик тўйинса, шунчалик ширин, ширали бўлади, — дейди Анисбек ака. — Айримлар "ёрилиб кетади" деб вақтлироқ узиб қўйишади. Бу нотўғри. Анор кузда етилиб, авжи кузда пишади. Қанчалик етилса, фойдали хусусияти ҳам шу даражада кўп бўлади.

Кейинги йилларда андижонлик қўли гул боғбонлар аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, анорзорлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу йилнинг ўзида Асака ҳамда Андижон туманларидаги бир қанча фермер хўжаликларида анорзорлар яратилди. Миришкорлар Фарғона вилоятининг Қува туманидан анорнинг "Қизил пўчоқ", "Қизил дона", "Туя тиш", "Қорақайин", "Юпқа пўчоқ" сингари сархил навлари кўчатларини олиб келиб ўтқазишди.

— Тўрт гектар ерга эккан 2640 туп кўчатимиз юз фоиз тутиб кетди, — дейди Андижон туманидаги "Гулшан Ахтачи" фермер хўжалиги иш юритувчиси Абдуваҳоб Юсупов. — Анор кўчатлари парваришини уста соҳибкорларга топширганмиз. Насиб қилса, келгуси йилдан ҳосил олишни бошлаймиз.

Эл дастурхонини сархил, шифобахш неъматлар билан таъминлаб келаётган Избоскан туманининг Чувама, Яккатут, Асаканинг Ахтачи, Марҳаматнинг Қорақўрғон, Пахтаободнинг Учкўза қишлоқларидаги анорзорларда ғарқ пишиқчилик. Бугун анорзорларга боқиб, баҳридилингиз очилади.

Истиқлол йилларида ўзбек автомобилсозлигининг ватани сифатида танилган Асака ўзининг боғбону соҳибкорлари, турфа мевалари билан ҳам машҳур. Бу заминда битадиган новвотранг, шираси лабингизни чиппа ёпиштирадиган, таъми асалдан қолишмайдиган узумлар таърифи етти иқлимга кетган, десак, ишонаверинг. "Келин бармоқ", "Теша сопи" дея ном олган узумларни татиб кўрган киши бунга амин бўлади.

### Пишиқчилик

— Маҳалламиздаги 500 дан зиёд оиланинг томорқасида узум етиштирилади, — дейди Илғор қишлоғидаги "Занкан" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Одинахон Мамасолиева. — Ҳисоб-китоб қилиб чиқдик: хонадонларимизда бу йил 350 тоннадан зиёд ҳосил бор. Шундан 308 тоннасини бозорда сотишади. Андижон бозорларида "Занканнинг узуми" дейишса, талаб кетишади. Биласизми, килоси 700 сўмдан сотилганда ҳам, бу — 216 миллион сўм даромад, демак. Одамларимиз боғларидан олган ана шу даромадлари эвазига уй қуришаяпти, тўй қилишаяпти.

Шуҳратбек Қўлдошев хонадонидамиз. Боғбонлик — бу файзли хонадондаги уч ака-укага отамерос. Қўлдошевлар 35 сотих ерда узумнинг "Чарос", "Тоифи", "Ризамат ота", "Кишмиш" сингари ўнгга яқин навини етиштиришади. Ҳар йили 11-12 тонна атрофида ҳосил олишади.

Рустамжон ота Мадумаров — етмиш ёшда. Уста боғбоннинг етти сотих ерида 61 туп ток кўчати бор. Ҳар йили шу мўъжаз узумзоридан 3-4 миллион сўм атрофида даромадга эга бўлади.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришни 30 фоизга кўпайтириш, бозорлардаги нарх-навони 20 фоизга арзонлаштириш бўйича қўйилган вазифа андижонлик боғбон-соҳибкорлар учун айни муддао бўлди. Вилоятда боғдорчилик жадал ривожланмоқда. Эндиликда андижонлик миришкорлар пишиб етилган мева ҳамда узумларни қиш ва баҳорда ҳам янги узилгандай сақлаш, бозорларимизни тўкин қилиш бўйича изланмоқдалар. Мевалар узоқ сақланса-да, сифатини йўқотмайдиган технологияларни жорий этмоқдалар. Биргина Хўжаобод туманида 2 та агрофирма фаолият кўрсатмоқда. "Мадияров боғлари" агрофирмасининг бош менежери Шокиржон Мамажонов мева-сабзавот етиштирадиган 81 фермер хўжалиги билан шартнома тузилганини айтди. Ҳадемай, бу ерда 300 тонна мева сақланадиган замонавий совутқичларга эга омборхона фаолият кўрсата бошлайди.

Боғдорчиликка эътибор туфайли вилоятда мева ҳамда узум етиштириш салмоғи йил сайин ортмоқда. Бундан беш йил олдин 253,4 минг тонна мева ҳамда 25,7 минг тонна узум етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич мутаносиб равишда 358,9 минг ва 38,2 минг тоннани ташкил этди. Бу йил эса ҳосил ҳар қачонгидан мўл бўлиши кутилмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбиркорлик

*Сиз Чинободнинг "Қияли" маҳалласидаги "Қувват – ул Камол" хусусий корхонаси ҳақида эшитганмисиз? Шу маҳаллалик ёш тадбиркор Наврўз Ҳамроқулов яқиндагина бўш ётган бинони ижарага олиб, хориждан замонавий тикув ҳамда тўқув дастгоҳларини олиб келиб ўрнатган эди. Эндиликда 30 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилаётган, йилига 60 миллион сўмлик спорт анжомлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бу мўъжаз корхонани мамлакатимизда яхши билишади.*

## МАҲАЛЛАДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР

Бу ерда тайёрланаётган турфа хил спорт либосларидан тортиб, импорт ўрнини босувчи стол тенниси, волейбол, футбол, баскетбол тўрлари, кураш гилами, турли тўплар, бокс қўлқоплари ва бошқа зарур жиҳозлар аллақачон ўз харидорларини топиб улгурди.

— Бунинг бежиримлигию сифатини қаранг, — дейди Андижон олимпия захиралари спорт коллежи мураббийи Ойбек Турғунов қўлидаги футбол тўпига ишора қиларкан. — Авваллари бу хилдаги спорт ашёларини катта харажатлар эвазига хориждан келтирардик. Энди эса ўзимизнинг Қиялида тайёрланаяпти. Одамнинг ишонгиси келмайди. Бу ҳам истиқлолнинг шарофати-да...

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бизни янада изланиб, интилиб меҳнат қилишга ундаяпти, — дейди Шаҳрихон туманидаги "Саидхон фаровонлиги" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шаҳобиддин Қодиров.

> Бугун вилоятда "Қувват-ул Камол"га ўхшаб импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 38 725 тага етди. Жорий йилнинг ўтган даврида тармоқни ривожлантириш, янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига 28 900 та иш ўрни яратилди.

У ўз қишлоғида Украина технологияси асосида сутни қайта ишлашни йўлга қўйган. Айни пайтда жамоада кунига 6 тонна сут қайта ишланиб, 250-300 килограмм атрофида сут уни тайёрланмоқда. Корхона ишчилари — қишлоқ ёшлари, коллежларнинг кечаги битирувчилари.

Қўрғонтепалик Муҳаббатхон Йўлдошева эса "Ал-Маъруф Жавлонбек файз" хусусий корхонасини ташкил этган.

— Қишлоғимиздаги бўш ётган бинони таъмирлаб, бу ерга сўнгги русумдаги 40 та тикув машинасини олиб келиб ўрнатганмиз, — дейди Муҳаббатхон. — Ҳозир элликдан зиёд ёшлар меҳнат қилаётган корхонамизда 12 турдаги эркаклар ва аёллар спорт кийим-кечаклари ишлаб чиқарилаяпти.

Андижон қишлоқларида кундан-кун қад ростлаётган юқоридаги сингари замонавий корхоналар, давр билан баб-баравар одим ташлаётган тиниб-тинчимас одамлар ҳақида яна кўп ва хўб сўзлаш мумкин.

**Ш. ОДИЛОВ.**

## Қувонч

## Фермернинг бахти

***Улуғнор туманидаги Бобур ва Оқтом маҳаллаларида намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган йигирмадан зиёд янги уйларнинг беш хоналиси "Тиллабой ҳожи" фермер хўжалигининг раҳбари Ҳабибулла Ғофуров оиласига насиб этди.***

"Бахт ҳам эгиз, қувонч ҳам", деганларидек , ҳовли тўйи куни Ҳабибулла аканинг тўнғич фарзанди Нафиса Ғофурова бирваракайига уч қиз кўрди. Чақалоқларга Фотима, Зуҳра ва Заҳро деб исм қўйишди.

Она-болалар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**



*— От суриш мана бунақа бўлади...*

Шомурот ШАРАПОВ сурат-лавҳаси.

## Ватанни улуғлаш — саодат

**Қишлоқда туғилганман. Ўн ёшимдан бошлаб опам Роҳатойга эргашиб, Жалолқудуқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг самбо тўгарагига қатнай бошладим.**

Биринчи мураббийим Жамолиддин Жиянов спортнинг мазкур тури сир-асрорларини астойдил ўргатди. Унинг ўгитлари, йўл-йўриқлари Андижондаги олимпия захиралари коллежига ўқишга киришимда қўл келди. Бу ерда Баҳромжон Расулов, Дониёр Ёқубов, Гулчеҳра Маманова сингари устозларим ёрдамида ўз маҳоратимни ошириб бордим. Мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги турли нуфузли чемпионатларда иштирок этдим.

### Спорт

Меҳнатларим самараси ўлароқ, мамлакат чемпиони бўлдим, дунёнинг 18 давлатидан энг кучли самбочи қизлар иштирок этган Осиё чемпионатида мутлақ ғолибликни қўлга киритдим. Спортда эришаётган бу каби муваффақиятларим эвазига Андижон давлат университетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим.

Мамлакатимизда ёшларни, айниқса, қизларни спортга жалб қилиш, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб улғайиши учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганини вилоятимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кейинги бир йилнинг ўзида Хонобод ва Қорасув шаҳарларида ажойиб сузиш ҳавзалари барпо этилди. Андижон шаҳрида бадиий гимнастика зали қурилиб, қизларимиз ихтиёрига топширилди. Бундай шарт-шароитлар боис вилоятимизда бадиий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар сони минг нафардан ортиб кетди.

Орзу-ниятларим кўп. Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликларига жавобан жаҳон миқёсида ўтказиладиган йирик мусобақаларда юртимиз байроғини янада баланд кўтарсам, дейман.

**Маликабону МИРЗАЕВА,**
**Андижон давлат университети талабаси, самбо бўйича Осиё чемпиони.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5